



SOCIO-POLITICAL SIGNIFICANCE OF KUSHAN RULER'S TITLES IN STATE ADMINISTRATION

Azamat Shaymardanov

Researcher

Termez State University

Termez, Uzbekistan

E-mail: shaymardanovazamat07@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: "si-hou", "xi-hou", "yabgu", maharajasa, rajatirajasa, "devaputra", "Ogiz", "mahishvara", "son of god", "Basileus Basileon", title.

Received: 25.01.25

Accepted: 27.01.25

Published: 29.01.25

Abstract: The political situation of the period after the collapse of the Greco-Bactrian kingdom has been reflected in the works of many researchers. The article examines the rise of the Kushan rulers from the simple title of "yabgu" to higher titles such as "king of kings", "ruler of the world", "son of god", and the social significance of these titles. As a result of our research, the information from the numismatic sources known to us so far was compared and analyzed with written sources. In the article, we considered the fact that the Kushan rulers' titles had different origins, and that the rulers' titles were passed down from ancestors to descendants as an inheritance.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА КУШОН ҲУКМДОР ТИТУЛЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ

Азамат Шаймарданов

тадқиқотчи

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

E-mail: shaymardanovazamat07@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: “си-хоу”, “хи-хоу”, “ябғу”, *maharajasa*, *rajatirajasa*, “девапутра”, “Ўғиз”, “маҳишвара”, “худонинг ўғли”, “Басилевс Басилеон”, титул.

Аннотация: Юнон-Бактрия подшолиги инкирозга учраганидан кейинги даврнинг сиёсий аҳволи кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган. Мақолада кушон ҳукмдорлари томонидан олиб юрилган оддий “ябғу” титулидан, “шоҳлар шоҳи”, “дунё

хукмдори”, “худонинг ўғли” каби титуллар олий даражадаги титулларда хукм юрғизганликлари, бу титулларнинг ижтимоий аҳамияти каби масалалар тадқиқот доирасига тортилган. Тадқиқотимиз натижасида ҳозирга қадар бизга маълум бўлган нумизматик манбалардаги маълумотларни ёзма манбалар билан қиёслаб, таҳлил этилди. Мақолада қушон хукмдор титулларининг турлича келиб чиқиш асосларига талукли эканлиги, хукмдор титуллари аждодлардан-авлодларга мерос сифатида ўтганлиги ҳақида фикр юритдик.

СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ТИТУЛОВ КУШАНСКИХ ПРАВИТЕЛЕЙ В ГОСУДАРСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ

Азамат Шаймарданов

исследователь

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистан

E-mail: shaymardanovazamat07@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: «си-хоу», «хи-хоу», «йабгу», махараджаса, раджатираджаса, «девапутра», «Огиз», «махишвара», «сын бога», «басилевс Басилеон», титул.

Аннотация: Политическая ситуация в период после распада Греко-Бактрийского царства нашла отражение в трудах многих исследователей. В статье рассматривается возвышение кушанских правителей от простого титула «Ябгу» до более высоких титулов, таких как «Царь царей», «Правитель мира» и «Сын Божий», а также социальное значение этих титулов. В результате проведенного нами исследования известные нам на данный момент сведения из нумизматических источников были сопоставлены и проанализированы с письменными источниками. В статье мы обсудили тот факт, что титулы правителей Кушан имели разное происхождение и что титулы правителей передавались от предков к потомкам по наследству.

КИРИШ

Қушон империяси Марказий Осиё, Ҳиндистон яриморали ва Шарқий Эрон худудларини ўз ичига олган, милоннинг I-III- асрларида ўзининг сиёсий ва маданий қудрати билан ажралиб турган қадимий давлатдир. Бу даврда хукмдорларнинг сиёсий мавқеи ва диний таъсири уларнинг расмий титулларида яққол намоён бўлган. Қушон хукмдорлик

тизими ва уларнинг титуллари империя ички бошқарувининг ўзига хослигини ва маданиятлараро таъсирни ёритишда муҳим манбадир. Кушон ҳукмдорлари турли хил унвонларга эга бўлиб, улар империянинг ривожланиш босқичлари ва маданий таъсирлар натижасида шаклланган. Ушбу титуллар сиёсий ҳокимиятни қонунийлаштириш, диний мавқеини кўрсатиш ва халқни бирлаштириш мақсадида ишлатилган.

ТАДҚИҚОТНИНГ УСУЛЛАРИ

Қадимги Хитой манбаларига кўра, бешта юечжи қабиласини бирлаштирган Кушон ҳукмдорлари Марказий Осиёнинг бошқа кўчманчи қабилалар ҳукмдорлари қабул қилган хитойча “си-хоу” ҳамда ”хи-хоу” титулларида қайд этилган (Ртвеладзе, 2009, с. 338). Ушбу титулларни таниқли тангашунос олим А. Н. Зограф хунн ва Ўрта Осиёнинг бошқа кўчманчи қабилалар ҳукмдорлари томонидан ишлатилган “шаньюй” титулига тенг бўлган титул деган тахминни илгари суради. Бироқ кўплаб олимлар шу жумладан, биз ҳам “шаньюй” титулини “ябғу” – кўчманчи қабилаларнинг ҳукмдорлари титулига тенг деб биламиз (Nagain, 2000, p. 176-177).

А.Н. Зографга кўра, бу қадимги хитойча “шаньюй” унвонининг ўзи (Зограф, 1937, с. 5). А. К. Нарайн таъкидлашича, “ябғу” (йабғу) кўчманчи қабила йўлбошчиси. Ўз навбатида ябғу унвонини бир гуруҳ тарихчи ва археологлар (А. Хўжаев, А. Асқаров, Т. Аннев ва бошқалар) қадимги туркий дунёга хос унвон деб биладилар. Таниқли тарихчи хитойшунос олим А. Хўжаев қадимги Хитой манбаларини чуқур таҳлил қилиш асосида “қадимда Хунлар, Қангжуй, Асуэн (Усун), Рузий (кейинчалик “Катта юечжилар”) давлатларида қабила бошлиқлари, йўлбошчилари ябғу деб аталган” деган хулосага келган (Ходжаев, 2010, с. 156). Кушон империясининг бошқарув тизими ва унвонларининг хилма-хиллиги унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. “Ябғу” титули, асосан, Кушонларнинг туркий илдизларга эга бўлган ҳукмдорлари томонидан ишлатилган. Бироқ, бу унвон фақат ҳукмдорлар учун эмас, балки кучли ҳарбий раҳбарлар ва маъмурий бошқарувчилар учун ҳам қўлланилган.

Кушонлар империясида, “Ябғу” титули, ўзининг ҳарбий позитсиясини кучайтириш ва сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлашда ишлатилган. Айниқса, империя худудидаги Туркий халқлар (масалан, Юезҳи) ўзларининг ҳарбий раҳбарларини бу титулла тақдирлашган. Ябғу унвони, ҳарбий раҳбарни, шунингдек, давлатнинг юқори даражадаги маъмурий бошқарувчисини билдирган. Бу унвон орқали ҳукмдорлар ўзларини давлатнинг марказий ҳокимиятига, ҳукмронликка ва ҳукумат тизимига юқори даражада алоқадор деб ҳисоблардилар.

Кушонлар даврида “Ябғу” титули асосан ҳарбий ҳокимиятни ва давлатнинг ташқи сиёсатини ифодалаш учун ишлатилган. Кушон империясининг турли минтақаларида

хукмдорлар ўртасида ўзаро таъсирлар бўлган, ва бу унвон орқали уларга юқори мавқе берилган.

Ябғу титули, битта одамнинг хукмронлигини эмас, балки кўплаб ўзаро боғланган худудларда яшовчи халқлар ўртасидаги кўплаб шартнома ва иттифокларнинг исботи сифатида ҳам ишлатилган. Бу, ўз навбатида, хукмдорнинг сиёсий таъсирини кенгайтириш ва таъсир доирасини оширишга ёрдам берган. (Ртвеладзе, 2009, с. 340-345) бевосита юечжиларни тохарлар деб ҳисоблаб, уларни шарқий форсийзабон этнослар қаторига кўшган. Н.Я. Бичурин томонидан тарих фанига киритилган “ху-хэу” атамаси Э.В. Ртвеладзе фикрига кўра, явуга титулининг хитойча эквиваленти деб ҳисоблайди. Бу ўз навбатида туркий ябғу унвони деб қаралади. Н.Я. Бичурин томонидан ёзилган шархларда деб таъкидлайди А. Хўжаев “ху-хэу” князлик тоифасига хос хитойча унвон деб нотўғри тарифланган. “Сие хоу” (shi hou) иероглифи қадимги “сиенху” (shier-hu) деб талаффуз қилинган ва бу туркий “ябғу” сўзининг хитойча транскрипциясидир. Хитойча князлик унвони “хоу” ҳисобланади (Ходжаев, 2010, с. 156). Кушонлар даврида "Ябғу" титули, ўзининг сиёсий, ҳарбий, диний ва маданий аҳамияти билан ажралиб туради. Бу унвон, хукмдорнинг ҳарбий кучини ва сиёсий ҳокимиятини ифодалаш учун ишлатилган ва давлатнинг марказий бошқарув тизимини мустаҳкамлашга ёрдам берган. “Ябғу” титули, ўзининг диний ва маданий жиҳатлари билан ҳам хукмдорнинг халқига бўлган ишончини кучайтирган ва империяда ягона ҳокимиятни таъминлашда муҳим рол ўйнаган.

НАТИЖАЛАР

Кушон подшолари титулларида қадимги Эрон, Ҳиндистон, Юнон ва Қадимги туркийларга хос титуллар мавжуд. Кудзула Кадфиз томонидан марказлашган йирик давлатнинг ташкил топиши билан манбаларда у буюк шоҳ, буюк шоҳлар шоҳи, тангри ўғли деб номланган.

Кушон хукмдорларининг титуллари сиёсий, ижтимоий ва диний жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Сиёсий жиҳатдан, бу титуллар хукмдорларнинг абсолют ҳокимиятини ва давлатнинг марказий бошқарув тизимини мустаҳкамлашга ёрдам берган. Ижтимоий жиҳатдан, хукмдор титуллари жамиятдаги иерархияни ва хукмдорнинг юқори мавқеини акс эттирган. Диний жиҳатдан эса, хукмдорлар ўзларининг илоҳий ҳокимиятини ва диний таъсирини кучайтириш учун бу титулларни ишлатганлар. Кушон империяси худудидаги хилма-хил этник гуруҳлар ва динларнинг уйғунлашуви, хукмдорларнинг титуллари орқали таъминланган диний ва маданий бағрикенглик билан алоқада бўлган.

Ябғу титули унинг хукмронлигининг илк даврларидаги тангаларда ҳам, ёзувларда ҳам кўринади: Кудзула зарб эттирган тангаларининг орқа томонида “XOPANCY ZAOOY” (Кушон ябғу) ёзуви, кхароштхий ёзувидаги санаси кўрсатилмаган битикларда “KUSHANA

YAVUGA” (Кушон ябгу) титулида келади (Markvart, 1898, p. 70). Афтидан, ўз фаолиятини ябгу унвони билан бошлаган Кужула ўзининг кенг миқёсли Ҳиндистон истилоларидан сўнг камтарона явуга / яўа / ябгу унвонидан “маҳаража”, “ражатиража” ва ҳатто “девапутра” (Худонинг ўғли) (Конов, 1925-26, p. 277-279) каби катта унвонларни қабул қилганга ўхшайди.

МУҲОКАМА

Шундай қилиб, Кушон салтанати асосчиси Кудзула Кадфиз илк ҳукмронлиги чоғидаёқ нафақат кушонлар буюк шоҳи, балки, шоҳлар шоҳи, шунингдек, тангри ўғли деб ҳам номланган эди. Шоҳ ҳокимиятини илоҳийлаштириш юз бериб, унинг келиб чиқиши илоҳий деб тан олинади. Кушон империясининг баъзи ҳукмдорлари, айниқса Канишка ва унинг авлодлари, “Девапутра” унвонини кенг тарқатишган. Канишка, масалан, ўзини “Девапутра” сифатида эълон қилиб, ўз ҳукмронлигини диний ва илоҳий асосларда мустаҳкамлашга интилган. Шу билан бирга, Канишка ўз даврида Будда дини ва маданиятига кўп эътибор қаратган ва Будда христианликни ҳам тарқатиш учун кўплаб йирик маърифат тарғиботларини амалга оширган.

Канишка даврида, “Девапутра” унвони нафақат ҳукмдорнинг ўзининг илоҳий наслини ифодалашда ишлатилган, балки империянинг бошқа ҳудудларига нисбатан ҳукмдорнинг кучини ва шахсий ҳокимиятини таъкидлаган. Канишка ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун кўплаб тадбирлар ўтказган, жумладан, Будданинг расмий дин сифатида қабул қилинишини таъминлаш. Бизнинг фикримизча, девапутра диний титули уша даврда шаклланган буддизм дининг маҳаянага ухшаш тасаввурлари шаклланиши билан боғлиқ бўлган эҳтимол.

“Девапутра” унвони, ҳукмдорнинг илоҳий наслини ва унинг Худонинг ўғли сифатидаги мақомини ифодалаган. Бу унвон, фақат сиёсий ҳокимиятни эмас, балки диний ва маданий кўллаб-қувватлашни ҳам акс эттирган. Кушон империясининг ҳукмдорлари ўзларининг ҳукмронлигини “Девапутра” унвони орқали мустаҳкамлашган ва халқлари ўртасида диний, сиёсий ва маданий уйғунликни яратишган. “Девапутра” унвони, Кушонлар империясининг маданий мероси ва диний сиёсатининг муҳим бир қисми бўлиб, ўз даврида кучли бирлашувни таъминлашда катта рол ўйнаган.

Кушон империяси бошқарув тизими марказлашган монархия шаклида бўлиб, унда ҳукмдор олий ҳокимиятнинг бошқарувчиси ҳисобланган. Ҳукмдорнинг сиёсий, ҳарбий ва диний вазифалари ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, бу ҳолат титуллар орқали яққол кўзга ташланади. Кушонлар ўзларининг бошқарув тизимини қадимги Бастрия ва Эрон анъаналари билан уйғунлаштириб, уларга ҳинд маданиятининг ўзига хос жиҳатларини қўшдилар.

Кадфиз I ҳукмронлигининг иккинчи даврида келиб чиқиши ҳиндча асосга эга бўлган шоҳлик титуллари пайдо бўлади: “maharaja” – буюк шоҳ, “rajatiraja” – шоҳлар шоҳи, “девапутро” – худо ўғли, “маҳишвара” – Шивага содиқ каби титулларни олиб юрган(Chattopadhyay, 1998, p. 28).

“Маҳаража” сўзи санскритдан келиб чиққан бўлиб, “маҳа” (буюк) ва “ража” (шоҳ) сўзларидан ташкил топган. Дастлаб, бу унвон Ҳиндистоннинг энг кучли ва бой ҳукмдорларига берилган. Унвоннинг тарихи эрамиздан аввалги даврга бориб тақалади, айниқса, Мауря ва Гупта империялари даврида кенг тарқалган.

Мауря империясининг биринчи ҳукмдори, Чандрагупта Мауря, ўзини “Маҳаража” деб атаган, бу унвон империянинг кучли ва бирлаштирувчи давлат тузилишини ифодалаган. Кейинчалик, Гупта империясининг ҳукмдорлари, хусусан Чандрагупта I ва Самудрагупта, ўзларини “Маҳаража” сифатида эълон қилганлар. Бундан ташқари, “Маҳаража” унвони ҳарбий ютуқларни, империянинг кенгайишини ва ўз халқига нисбатан қилган хизматларни ҳам ифодалаган. Унвон орқали ҳукмдорлар ўзларининг географик ҳудудларни бошқаришни, жанглarda ғалаба қозонишни ва иқтисодий ривожланишни акс эттиришган. “Маҳаража” титули, Ҳиндистоннинг турли диний ва маданий анъаналари билан ҳам боғлиқ. Бу унвон, ҳукмдорнинг ўзининг диний мавқеи ва Худога бўлган таъсирини ҳам акс эттирган. Одатда, Маҳаража унвонига эга бўлган ҳукмдорлар ўзларининг мамлакатада диний ҳаётни бошқаришда ҳам катта рўл ўйнаган. Бу унвон, Ҳинд диний анъаналари билан бирга, Будда, Шива, Вишну ва бошқа худоларга нисбатан ҳукмдорнинг ҳурматини акс эттирган. “Маҳаража” титули Ҳиндистоннинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқалган. Мисол учун, Кушон империясининг ҳукмдорлари ўзларини “Маҳаража” деб аташган. Шунингдек, Кушонлар томонидан ишлаб чиқарилган баъзи монеталарда “Маҳаража” унвони мавжуд бўлиб, бу унвоннинг кенг тарқалганлигини ва турли халқлар томонидан қабул қилинганлигини кўрсатади.

Ҳиндистоннинг ўзига хос тарихий ривожланишида, “Маҳаража” титули бошланишда юқори сиёсий мавқега эга бўлган ҳукмдорларга берилган бўлса, вақт ўтиши билан, бу унвонни ўзига хос тарзда ишлатадиган кичик ҳукмдорлар ҳам пайдо бўлди. Шу тарзда, “Маҳаража” титули ўзининг аввалги сиёсий ва ижтимоий аҳамиятидан кейин, кўпроқ масъулият ва элита аъзоларини ифодалашда ишлатилган.

Кадфиз II анъанавий юнонча титул “Басилевс Басилеон” титулини ҳам саклаб колган еди. Шу билан бирга Кадфиз II даврига талукли бўлган қадимги Матхур ҳинд ёзувида биринчи марта Кушон ҳукмдорига нисбатан эронча “Шаҳи” титули қўланилган. Кейинчалик бу титул қадимги Бақтрия тилида “Шао” (шоҳ) ёки “Шаонано Шао” (шоҳлар

шоҳи) шаклида Канишка I дан Канишка III гача булган барча Кушон шоҳлари учун кулланилганлигини кўрамиз (Ртвеладзе, 2009, с. 342).

Бундан ташқари, бир қатор эпиграфик ёзувларда Кадфиз II “Девапутра” яъни “осмоннинг ўғли” титулида қайд этилади. “Девапутра” унвони, аслида, Кушонлар империясининг ҳукмдорларига хос бўлган унвондан биридир. Кушонлар, Хитойнинг Фарбий Хитой империясидан (Юезхи) келиб чиққан туркий халқлар бўлиб, улар ўз ҳокимиятини Ҳиндистон ва Ўрта Осиёнинг катта қисмларига тарқатган. Бу империянинг ҳукмдорлари, ўзларининг ҳукмронлигини илоҳийлаштиришга интилан ва шу мақсадда “Девапутра” унвонини ишлатганлар.

“Девапутра” унвони, аввало, Кушон ҳукмдорларининг ўзларини илоҳий наслга эга деб ҳисоблашини билдирган. Ушбу унвон, ҳукмдорнинг Худонинг ўғли сифатида қаралиши, унинг раҳбарлик қобилиятлари ва ҳокимиятини илоҳий қўллаб-қувватлашни аниқлаган. Бу, ўз навбатида, ҳукмдорнинг халқи ўртасида диний ва сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлашда катта рол ўйнаган (Mukherjee, 2000, p. 69-70). Шу билан бирга, Мукержи бу ерда юнонча ва аршакийча таъсирларни ҳам истисно қилмайди. Бундан ташқари Кадфиз II бошқа эпиграфик манбаларда худди тангалардаги каби “махаража ражатиража, сарвалога ишвара, махишвара” яъни шоҳларнинг шоҳи дунёнинг ҳукмдори (Ртвеладзе & Алимова, 2021, с. 358) титулини қабул қилганлиги ойдинлашади.

Девапутра унвонининг сиёсий аҳамияти ҳақида фикр юритадиган бўлсак, “девапутра” унвони сиёсий нуқтаи назардан ҳам жуда муҳимдир. Бу унвон ҳукмдорнинг ҳукмронлигини Худо томонидан тасдиқланганлигини ва халқ ўртасида ҳукмдорнинг қонунийлигини мустаҳкамлашда катта рол ўйнаган. Кушон ҳукмдорлари ўзларини “Девапутра” деб аташ орқали, ўз ҳокимиятларини дин билан уйғунлаштирган ва халқни ўзларига бўлган ишончни кучайтирган.

Шунингдек, бу унвон, ҳукмдорнинг ўз худудидаги турли этник ва диний гуруҳлар билан мулоқотда бўлишини таъминлашда муҳим рол ўйнаган. Кушон империяси, ўзининг кенг худудларида қўллаб халқлар ва маданиятлар билан бирга яшаган. Ҳукмдорларнинг илоҳийлаштирилган мавқеи, турли гуруҳлар орасида бирлашувни таъминлашга ёрдам берган.

Кушон ҳукмдорларининг унвонлари нафақат уларнинг сиёсий ҳокимиятини ва халқ ўртасидаги мавқеини ифодалаш, балки уларнинг диний, маданий ва иқтисодий сиёсатларини ҳам кўрсатган. Титуллар, империянинг барча жиҳатларини акс эттирган ва ҳукмдорнинг ўз халқи билан алоқасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу унвонларнинг таҳлили орқали, Кушонлар империясининг ўзига хос сиёсий, маданий ва диний тизимини яхшироқ тушуниш мумкин.

ХУЛОСА

Мавжуд бўлган маълумотлар шуни кўрсатадики, Кушонлар ҳукмдорлари Ҳиндистон ва Хитойнинг подшоҳликнинг илоҳийлиги ҳақидаги кенг тарқалган концепцияни қабул қилиб, Ахамонийлардан, сатрапларни вилоят ҳокими этиб тайинлаш тизимини, данданаяка(феодаллар) эса уларнинг бошқарувчиси бўлганлигини кўрсатади. Вилоят ҳокимлигига асосан сулола вакиллари қўйилган бўлса, аммо бу тамойил маҳаллий қишлоқ даражасида қўлланилмаган.

Кушонлар давридаги Ўрта Осиёда ижтимоий тузилма ва ер мулкчилиги турлари ҳақида манбаларда жуда кам маълумотлар бизга қадар етиб келган. Археологик материалларнинг батафсил таҳлили шуни кўрсатадики, Кушонлар даврида ижтимоий табақалар турлича бўлган(Дьяконов, 1967, с. 13-35), улар кейинчалик Ўрта Осиёнинг деярли бутун ҳудудига тарқалган. Ўрта Осиёда зарб қилинган маҳаллий тангалар, “Қадимги мактублар” ва бошқа суғд ёзма ҳужжатларида кушонлар даври ва ундан олдинги даврдаги турли ижтимоий гуруҳларни билдириш учун кенг қамровли атамалар қўлланилганлигини кўраемиз.

Кушон ҳукмдорларининг унвонлари нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки диний ва маданий алоқаларини ҳам ифодалаган. Уларнинг унвонлари орқали ўзларининг ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ўз империяларининг кучини кўрсатишган. Бу унвонларнинг тарихий аҳамияти, бугунги кунда ҳам Ўрта Осиё ва Ҳиндистон тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Кушон ҳукмдорлик тизими ва уларнинг титуллари империянинг сиёсий ва маданий тарихини ёритишда муҳим манба ҳисобланади. Ушбу титуллар орқали нафақат Кушон империясининг ички тузилиши, балки унинг бошқа маданиятлар билан ўзаро алоқаси ҳақида ҳам хулоса қилиш мумкин. Бу мавзу бўйича чуқур тадқиқотлар нафақат тарихшунослик, балки маданиятшунослик ва диншунослик учун ҳам аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ртвеладзе Э.В. Древние монеты Средней Азии. Из литературы. Г. Гусьяма нашриёти. Тошкент.1987 г.
2. Beiley H.W. Languages of the Saka // Handbuch der Orientalistik. Bd. 4, - Leiden.1958.
3. Frye R.N. Some early Iranian Titles // Oricus. V.15.-Leiden.1962.
4. Кляшторный Г.С. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. М. Наука. 1964.
5. Ртвеладзе Э.В. Юэджийско-кушанское государство Северный Бактрия в составе Кушанское государство. 2009.
6. Аблат Ходжаев. Из истории древних тюрков. Ташкент. Tafakkur, 2010.
7. Chattopadhyay B. The Age...P.28.

8. Ртвеладзе.Э.В. Титулы правителей государств и владений в Средней Азии в начале I тыс. до н.э. – III-IV вв. н.э. Ўзбекистон нашриёти. 2009 г.
9. Mukherjee B.N. Imperial cults in the Kushana empire // India and Central Asia // - Tashkent, 2000 y.
10. Э.В.Ртвеладзе. История государственности Узбекистана.Т. Ўзбекистон нашриёти.2009 й.
11. Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова. Узбек давлатчилиги тарихи. Тошкент: Академнашр, 2021.
12. Vogel 1912. 122 f.; Agravala 1950. 40-41 betlar; Luders 1961, § 98.
13. Banerjee, Gauranga Nath (1920). Hellenism in ancient India. Calcutta: Published by the Author; New York: Oxford University Press. P. 92.
14. Sims-Williams N., Cribb J. A New Baktrian...P. 97-99; Mukherjee B.N. Imperial Cults in the Kushana Empire // India and Central Asia. Tashkent, 2000. P. 69; Fussman G. L. Inscriptions de Rabatak. La Bactriane et les Kouchans // La Bactriane an Carrefour des routes et des civilisations de l'Asie Centrale. Paris, 2001. P. 251-293.
15. Narain A.K. The Five Yabgus of the Yechehah // India. History and Thought. P. 176-177.
16. Bailey H.W. Languages of the Saka // Handbuch der Orientalistik. Bd. 4.
17. Leiden, 1958. P. 136; Кляшторный С.Г. Древнетюркский рунические;
18. Frye R.N. Some Early Iranian Titles // Oricus. V. 15. Leiden, 1962.
19. Зограф А.Н. Монеты “Герая”. Ташкент. 1937.
20. Аблат Ходжаев. Из истории древних тюрков. Ташкент. Tafakkur, 2010.